



2017-й.г. «6» май

№ 1021-К

Самарқанд т.-р. Самарқанд

Фуқаро Меликов Мардонкулга мебел ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2016 йил 10 ноябрдаги 1796-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда фуқаро Меликов Мардонкулнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Меликов Мардонкулга мебел ишлаб чиқариш цехи қуриш учун тумандаги «Қўлбайпоён» қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ «Гулобод-агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 564 контуридан жами 0,40 га (шундан 0,40 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ижтимоий бино ва ховли ерлари) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2017 йил 01 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З. Зоҳидов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га топширилсин.

4. Мебел ишлаб чиқариш цехи қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси Фуқаро Меликов Мардонкулга топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров